

# “Маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган органлар тўғрисида ахборот бериш” ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ

## 1. **Хизмат (паспорти) тавсифи**

### 1.1. **Хизмат номланиши**

*Маҳсулотлар (хизматлар)ни сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган органлар тўғрисида ахборот бериш.*

### 1.2. **Хизмат натижаси**

*Хизмат натижаси бўлиб ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган маҳсулотлар (хизматлар)ни, сифат менежменти тизимларини, ҳодимларни сертификатлаш бўйича аккредитация қилинган органлар тоғрисида ахборот бериш ҳисобланади*

### 1.3. **Хизмат кўрсатиш идоралари ва бланк олиш жойлари**

*Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги – “Ўзстандарт” Агентлиги*

### 1.4. **Ҳуқуқий асослар**

*- Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонунлари;*  
*- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли “Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарори;*  
*- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сонли ““Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.*

### 1.5. **Хизматни олувчилар**

*Юридик ва жисмоний шахслар.*

### 1.6. **Ижро муддатлари:**

*Бир зумда.*

## 2. **Хизмат олувчиларга маълумот етказиш**

### 2.1. **Умумий маълумотларнинг таркиби ва ҳажми**

*Фойдаланувчилар “Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти [www.standart.uz](http://www.standart.uz) орқали хизмат тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари мумкин*

### 2.2. **Кенг маълумот бериш**

*“Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти [www.standart.uz](http://www.standart.uz) орқали хизмат тўғрисида кенг маълумот берилади.*

### 2.3. Сўров бўйича маълумот бериш

*Ушбу хизмат кўрсатилиши учун сўров бўйича маълумот бериш кўзда тутилган*

### 2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида маълумот бериш

*Хизмат “Ўзстандарт” Агентлиги расмий веб-сайти [www.standart.uz](http://www.standart.uz) орқали кўрсатилади.*

### 2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланкалари (шакллари)

*Ушбу хизмат учун ҳужжат бланкалари (шакллари)дан фойдаланиш кўзда тутилмаган*

## 3. Хизмат кўрсатиш

### 3.1. Иш вақти

*Хизмат 24 саот мобайнида кўрсатилади*

### 3.2. Кутишга талаблар

*Ушбу хизмат учун кутиш ёки кутиш учун талаблар кўзда тутилмаган*

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1. Керакли ҳужжатлар

*Ушбу хизмат кўрсатилиши учун ҳужжатлар талаб этилмайди*

### 4.2. Хизмат тўлови

*Бепул*

### 4.3. Давлат хизматининг бажарилиш босқичлари

#### 4.3.1.

*1. Интернет тармоғига уланиш;  
2. “Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб-сайти [www.standart.uz](http://www.standart.uz) га таширф буюриш, “Хизматлар” бўлимига сўнгга “Давлат хизматлари” бўлимига кириш;  
3. Керакли хизматни танлаш.*

### 4.4. Давлат хизматининг идоравий ички тартиби

*Маъсул ҳодим ўрнатилган тартибда ҳар ойнинг 5 санасига қадар сайтда янгилаб боради*

### 4.5. Рад этишга асос

*Ушбу хизмат кўрсатилишига рад этишга асос кўзда тутилмаган*

## 5. Сифатни таъминлаш

### 5.1. Сифатсиз кўрсатилган хизмат устидан шикоят

*Фойдаланувчи сифатсиз кўрсатилган хизмат юзасидан ўрнатилган тартибда “Ўзстандарт” Агентлиги [uzst@standart.uz](mailto:uzst@standart.uz) электрон почта манзили орқали ёки ёзма равишда 00049, Тошкент ш., Форобий кўчаси, 333 «А» манзилига мурожаат қилишлари мумкин.*